

# SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов  
академик Анатолий Сайдуллаев  
академик Диором Юсупова  
Сирожиддин Саййид  
проф. Абдураҳим Эркаев  
проф. Қаҳрамон Ражабов  
проф. Юлдуз Эргашева  
проф. Баҳодир Эшов  
филол.ф.д. Нафас Шодмонов  
Тўлқин Ҳайит  
т.ф.д. Г.Муминова  
проф. Шокир Гаффоров  
филол.ф.д. Ҳўжамурод Жабборов  
филол.ф.д. Дамин Тўраев

## Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

## Масъул котиб:

Азизбек Норов

## Нацр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тогаев

## Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

## МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва аҳборот бошқармасида 2012 йил 12 марта  
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 маротаба чоп этилади.  
Журналдан кўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

## Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,  
2-йй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32  
Теришга 30.07.2021 йилда берилди.  
Босишга 14.09.2021 йилда рухсат  
етилди. 29.09.2021 йилда босилди.  
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табоқ.  
Адади 100 нуеха. Буюртма № 411

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқарни  
корхонаси босмахонасида чоп этилди.  
**Босмахона манзили:**

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-йй.

**Электрон манзилимиз:**  
[sohibqiron\\_jurnali@mail.ru](mailto:sohibqiron_jurnali@mail.ru)

2021 йил № 3 (45)



2021 йил-Ёшларни қўллаб-  
қувватлаш ва аҳоли  
саломатлигини мустаҳкамлаш  
йили.

Журнал таниқли шоир, маънавият  
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев  
ташаббуси билан ташкил этилган.

2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2018 йил  
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан  
«Тарих» фанлари бўйича илмий журнallар  
рўйхатига киритилган.



## БОШ МУҲАРРИР САҲИФАСИ

Илм-инсон фазилати.....4

## ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАЛАРИ

Очил БЎРИЕВ, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг этнографик тавсифи .....7

## ҚУТЛОВ

А.САИДОВ, О.БЎРИЕВ, Илм - урфон дарғаси.....13

## ТЕМУРШУНОСЛИК

Хўжамурод ЖАББОРОВ, Тарагай қишлоғи ва тарагайликлар.....19

Хуршида АҲМЕДОВА, Абдураззоқ Самарқандий асарларида Шоҳруҳ

Мирзо элчилик мұносабатлари.....26

Шавкат БОБОЖОНОВ, Амир Темур даврида Бухоро зиёратгоҳлари.....32

Нурбек ГУЛЛИЕВ, Амир Темур стратегияси ва ҳарбий тактикаси....37

## ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

Ғулом МИРЗО, "ЭЙ, ДАРВЕШ" (хужжатли қисса ).....41

## ТАРИХШУНОСЛИК

Жўрабек ЧЎТМАТОВ, Имом Термизий ва Ҳаким Термизий устози....55

Тўлқин ҲАЙИТ, Жонмард қассобни зиёрат қил.....63

Б.ИМОМОВ,Ш.ИМОМОВ, Уз қавмининг этник тарихи: баъзи чизгилар.....67

Шодмон ҲАЙИТОВ, Бухоро халқ совет республикасидаги нарх-наво тарихидан.....71

Олим ИРИСҚУЛОВ, XIX хаср охири - XX аср бошларида Самарқандда матбуот, адабиёт ва санъат.....76





# BUXORO XALQI SOVET REPUBLIKASINING NARX-NAVO TARIXI

(Uzbekiston Milliy arxibi materiallari asosida)

Шодмон ҲАЙИТОВ,  
Бухоро давлат университети  
профессори, тарих фанлари доктори

**Таянч сўзлар:** БХСР, нарх – наво, товар, озиқ – овқат, қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳукумат, иқтисодий аҳвол, инқироз, архив ҳужжати

Бухорода амирлик тартиби ағдарилгандан сўнг, 1920 йилнинг сентябрь ойида БХСР Нозирлар Кенгашиданиборатянги ҳукумат тузилди. Биринчи жаҳон уруши йилларида (1914–1918 йиллар) оғир иқтисодий аҳвол, амирликнинг сўнги даврида юз берган кескин сиёсий жараёнлар, БХСР тузилганидан то ушбу ҳукумат тутатилгунга қадар унинг ҳудудида кечган ҳарбий тўқнашувлар, барқарор тинчликни ўрнатилмаганлиги, Туркистонда юз берган очарчилик каби кўпдан – кўп омиллар туфайли хўжалик таназзул ҳолга келиб қолганди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлабчиқариш деярли ишдан чиқсан, товар – пул муносабатлари тизими бузилган бир шароитда БХСРга молия – иқтисод сиёсати соҳасида муаммолар кучайди. 1923 йилга қадар БХСРда иқтисодий юксалиш кузатилмади, инқироз ўзининг энг юқори даражасига кўтарилди. Молия сиёсатида пул эмиссияси туфайли БХСРга ҳукумат пуллари билан Россия рубли ва червонлари, амирлик даври пуллари, Туркистон АССР боннлари биргалиқда амал қиласа эди.

Архив ҳужжатлари маълумотича, айниқса, озуқабоп товарлар астрономик суммада ошиб кетган. 1921 йил қузида буғдой, арпа, жўхори, кунжут ёғи, қўй гўшти ва ёғи, гуруч, мол гўшти, ун, туз каби товарлар нархи юқори бўлган.

Бир ботмон ҳисобида (ботмон – 20 кг) буғдой – 260000 рубл, ун – 350 – 360 минг рубл, арпа – 180 минг рубл, жўхори – 140 минг рубл, кунжут – 500000 рубл, 20 – фунт (1 фунт – 450 гр) – 92 рубл, қўй ёғи – 110 минг рубл, 5 фунт катта туз – 8 минг рубл, 1 фунт 1 – навли гуруч 3800 рубл, 1 пуди (1 пуд – 16 кг) 200 минг рубл, 2 – навлиси 140 – 180 минг рубл, 5 фунт қўй гўшти – 20 минг рубл мол гўшти – 18 минг рубл баҳоларида сотилган [1]. Ушбу озиқ – овқат маҳсулотлари бозорда қиммат бўлиши билан бирга,

уларнинг тақчиллиги ҳам яққол сезилиб турган, шунингдек, оддий аҳоли товарларни харид қилиш моддий құдратига ҳам эга эмасди.

Мева – сабзавотлар нарх – навоси ҳам юқори бўлиб, қора кишмиш узумнинг 1 пуди – 125 минг рубл, қизил кишишники эса 84 минг рублдан 200 минг рублгача, ёнгоқ – 130 минг рубл, олма, нок, анор – 140 мингдан – 180 минг рублгача, қалампир 1 пуди – 1 млн рубл баҳоланган [2].

Саноат товарлари ҳам құмматлашган, кўкчойнинг 1 пуди 2 млн 200 минг рубл, қанд – шакарники 850 минг рубл, 1 пуд қовун – 750 минг рубл, 1 қути гүгурт – 22 минг рублдан 26 минг рублгача, бир кўйлаклик Буҳоро атласи 350 минг рубл, Буҳоро ипак рўмоли – 35000 рубл, ипак кўйлакнинг 2 аршини (1 аршин – 72 см) 35 минг рубл, 1 калава ип – 90 минг рубл сотилган [3].

БХСРда нарх – навонинг юқорилиги даражаси ва инфиляция жараёни 1922 йилда ҳам давом этиб, ҳукумат қоғоз пуллар ва тангалар зарб этиши ҳам мавжуд ҳолатни тўғрилай олмади. Айрим маҳсулот ва товарлар нархи 2-3 баробарга қадар кўтарилилганлиги кузатилади. 1922 йилда 1 ботмон бугдой – 500 млн сўм, ун – 600 млн сўм, арпа – 450 млн сўм, жухори – 220 млн сўм , 5 қадоқ гўшт ( 1 қадоқ – 350 гр) – 40 млн сўм, 1 пуд қанд – 1 млн сўм , 1 пуд шакар – 260 млн сўм, 1 пуд Самарқанд гуручи – 175 млн сўм , 1 пуд қорачой – 3 млн сўм, кўкчой – 2 млн сўм, саноат молларидан 1 яшик гүгурт – 250 млн сўм, 1 аршин чит – 12 млн сўм, сатин – 23 млн сўм, хом ипакнинг 10 қадоги – 4 млн сўм баҳоланган. Савдогарлар бозорларда амал қилиш керак бўлган Буҳоро қоғоз пуллари ўрнига Буҳоро олтин сўми, тилла ва кумуш тангалар талаб қиласидилар. Ҳолбуки, оддий аҳолида ҳукумат зарб қилган қоғоз пуллар мавжуд эди. 1922 йил маълумотларига кўра, 5 сўмлик олтин танга – 450 млн сўм, Буҳоро тилласи – 350 млн сўм, оддий мис чақа – 7500 минг сўмбаҳоланган [4]. БХСРда амал қилган пул бирликларини рус рубли билан қиёслаганда Болтин рубл – 285 – 290 млн рубл , 4 кумуш рубл – 30 – 31, 500 рубли Николаевский тангаси – 45 – 50 минг рубл , 1 минг 100 руббли – 90000 рубл баҳоланган[5].

Буҳоро Республикасида қиши фаслида уйларни қизитиш масаласи катта муаммо бўлган. Иссиклик манбалари хисобланган ўгин, саксавул, юлғун, кўмирнинг нарх – навоси ҳам юқори эди. Манбаларда келтирилишича, саксувунинг бир эшаги – 22 минг рубл, кўмирнинг бир түяси тирига қараб 50 – минг рублдан 125 минг рублгача бўлган. Шаҳарларда қишлоқлардан келган кишилар эшак, хачир ва туюларда ўтин сотиб юрган. Улар сотилган ўтиналарини эвазига қишлоққа саноат моллари харид қилиб олиб кетишган. 1921 – 1922 йилларда 1 фунт совун – 5200 рубл эди [6].

Архив хизматларида Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР), Туркистоннинг бошқа ҳудудларида 1921 – 1922 йилларда нарх – наво билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган. 1921 йил 10 ноябрда берилган маълу-



мотта кўра, ХХСРда пуд ҳисобидан 1 пуд буғдой - 420 млн рубл , гуруч 320 млн рубл, пахта - 167 млн рубл, мол гўшти (фунт ҳисобида - 197 млн рубл, қўй гўшти - 139 млн рубл, қўй ёғи - 200 млн рубл, кунжут ёғи - 135 млн рубл, 1 фунт керосин - 2500 рубл, 1кг балиқ - 21 млн рубл, от - 1млн, 3 млн рублгача, тая - 2 - 3 млн рубл , қўй - 200 -300 минг рубл баҳоланганд [7].

БХСР ва ХХСРдаги нарх - наво таққосланар экан, улар орасида катта фарқ бўлмагани аён бўлади. ХХСРда ҳам иқтисодий аҳвол 1921 -1922 йилларда БХСРдан яхши бўлмаган.

Ўша пайтда Олмаотада нарх -наво БХСР ва ХХСР кўра паст бўлганлиги, озиқ -овқат товарлари нисбатан арzon бўлганлиги кузатилади. Бир пуд ҳисобидан буғдой - 65 минг рубл, ун - 70 минг рубл, гуруч - 150 минг рубл , арпа - 30 минг рубл , чўчқа ёғи - 280 минг рубл, қиздирилган сала - 360 минг рубл , хўқиз гўшти - 1 млн рубл баҳоланганд [8].

Юқоридаги рақамлар тахлил қилинар экан Олмаотада муҳим озиқ - овқатлар ҳисобланган буғдой, ун, гўшт қабилар нархи нисбатан паст бўлганлиги аён бўлади.

БХСР ҳукумати имкон қадар давлат омборларида озиқ - овқат маҳсулотларини тўплаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қисмини озиқ - овқат билан таминлашга ҳаракат қилди.

1921 йилнинг куз фасли давомида 300 минг пуд буғдой давлат заҳираси учун тўпланди, 1922 йил январда БХСРда ички бозорга ҳукумат товарлар айланмаси учун 5 мингта қорамол териси , 1 мингта бузоқ териси , қўй пўстаги, 1 мингта от териси, 10 мингта қўй - қўзи, 3 мингта эчки, 5 минг дона қоракўл тери, 10 минг пуд мош, 1 минг пуд нўхат, 5 минг пуд туз, 10 пуд жўхори чиқарди [9]. Бироқ бу БХСР ҳукумати бошқараётган салкам 5 млн аҳоли учун мутлақо етарли эмасди. Шу сабабли БХСРнинг айрим вилоятларида ички бозор учун товарлар чиқариш маҳаллий ҳукумат вакиллари зиммасига юкланиб, улардан имкон қадар нарх - навони назорат қилиш сўралган. Бухоро амирлиги ва БХСР йилларида муҳим ҳудудлардан бири бўлган Қарши (1923 йилдан бошлаб Беҳбудий вилояти) вилоятида Эски Бухоро шаҳрига нисбатан нархлар паст бўлган. 1921 йил 1 декабрда ушбу вилоят мутасаддиларининг ҳукуматга берган маълумотномасида Қаршида 1 фунт гўшт - 3800 рубл, гуруч- 4000 рубл, чой 60 минг рубл, бир пуд буғдой 445500 рубл, бир қути гутурт - 1500 рубл, 1 фунт пахта ёғи - 4800 рубл, 1 фунт совун ҳам 800 рубл, бир фунт туз - 600 рубл, бир фунт пиёз ва забзи 2000 рубл, битта нон (лепошка) - 2000 рубл сотилганлиги хабар қилинади[10].

БХСРда 1920 - 19924 йилларда нарх - наво билан боғлиқ масала тахлил қилинар экан , 1923 йилда бир қадар иқтисодий юксалиш юз берганлиги, товар - пул муносаботларида саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида

ишлибчиқарыш бошланғанлиги күзатилади. Бироқ иқтисодий кенгаш (БИҚ) фаолиятини марказга бўйсўндирилганлиги давлат иқтисодиётини чеклаб қўйди.

БХСР ҳукумати иқтисодий муаммолар ва инқироз гирдобида қолиб кетишига қарамай, ўзи мавжуд бўлиб турган йилларда 1921 – 1922 йилларда Волга бўйи ва Уралда оч қолган татар ва бошқирдларга ўзининг моддий мададини берди. 1923 йил сентябрда Япония зилзилаларида қийналганларга ҳам дори-дармон юборилди. Архив манбаларида келтирилишича, БХСР "Очларга ёрдам компанияси" орқали "Очлар фонди"га 1300 пуд бугдой, 300 пуд жўхори, 1000 та одеёл, 30 пуд қанд, 50 пуд гуруч, 10 пуд ёғ ва 15 млн рубл маблаг ўтказилди, 700 дан ортиқ оч қолган ҳудудлардан келган етим болаларни етимхоналарга олиниши ҳам муҳимdir[11].

Хуллас, 1920 – 1924 йилларда БХСР ҳукуматида пул – молия сиёсатида қанча куч – қувват сарфламасин кутилган натижага эришилмаган. Ушбу борада ютуқларга эришилганлиги эса бир қадар объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ эди.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 148 -149 - варақлар.
2. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 149 - варақ.
3. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 150 - варақ.
4. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро халқ совет республикаси: иқтисодиёти , ижтимоий сиёсат , маданий ҳаёти. Бухоро: "Бухоро нашриёти", 2005. - Б.24.
5. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 162 - варақ.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 160 -161 - варақлар
7. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 203, 204 , 205 - варақлар
8. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд 200 - варақ
9. Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд , 178 ,179 ,180 ,181 ,182 ,183 - варақлар.
- 10.Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд 178- варақ
- 11.Ўзбекистон Миллий Архиви , Р - 48 - фонд , 1 - рўйхат , 22 - йигма жилд 168, 169 - варақлар.

**Резюме**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий архивида мавжуд бўлган маълумотлар асосида БХСР ҳукуматида нарх – наво масалалари тарихий – қиёсий таҳдил асосида ўрганилган. Мазкур ҳукуматнинг нарх – навони тартибга солиш йўлидаги хатти – ҳаракатлари ва натижалари илмий жиҳатдан очиб берилган.

**Resume**

In this article, on the basis of information available in the National Archives of Uzbekistan, the Government of the BXSR has studied price issues on the basis of historical-comparative analysis. The actions and results of the government of the BXSR in the field of price regulation have been scientifically revealed.



# SAMARQANDDA MATBUOT, ADABIYOT VA SAN'AT XIX ASR OXIRI- XX ASR BOSHLARI

Олим ИРИСҚУЛОВ,  
Самарқанд давлат университети

**Калит сўзлар:** хаттотлик, босмахона, литография, «Ойина», «Ал-Ислоҳ», адабий муҳит, опера, драма, мақом санъати

XIX аср Самарқанд учун тарихий бўхронлар ва эврилишлар даври бўлди. Бу даврда тарихий маълумотлар таҳлили таълим ва фан масалалари бўйича Ўрта Осиё жаҳон тараққиётидан ортда қолаётганлигини кўрсатди. Чунки Самарқанд шаҳрида билимларни энг яхши тарқатувчиси бўлган китоб нашр этиши иши яхши йўлга қўйилмаган эди.

Таъкидлаш жоизки, XIX асрда Самарқанд Алишер Навоий асарлари тарғиботида муҳим рол ўйнаган. Мисол учун, 1824–1825 йилларда хаттот Мир Абдулҳай Алишер Навоийнинг "Хазойинул-маоний" асарини шарқона услубда қайта кўчирган. Яна бир хаттот мулла Муқимхон 1849–1850 йилларда унинг "Хамса"сини қайta кўчирган[1]. 1904–1910 йилларда Сайд Абдусалом томонидан кўчирилган Алишер Навоий асарлари Самарқандда литографик услубда нашр этилган[2].

А.Навоийнинг "Маҳбуб-ул қуулуб", "Чаҳор девон" каби дунёга машҳур, ўзбек адабиётининг дурдона асарлари ҳам XIX асрда қайта кўчирилиб, кенг ўқувчилар орасида тарқатилган эди. Бундан ташқари, Машраб, Ҳувайдо, Сайқалий, Шавқий, Амири ўоибий каби машҳур адабиёт намоёндаларининг асарлари ҳам қайта кўчирилган ва ўқувчилар орасида тарқалганини ҳақида маълумотларни ҳам учратиш мумкин[2.36].

XIX асрда нодир қўллёмсаларни тўплаш ва қайта кўчириш ишлари ҳам кенг ривожланган. Хаттот Абдужаббор Найман Самарқандий Абу Ҳанифанинг "Ал фиҳ ал-акбар" ("Катта ҳуқуқшунослик") асарини, мулла Абулфайз Самарқандий Мирза Қурбон Хиромийнинг "Чор ձарвеш" достонини қайта кўчиридилар. Самарқандда ижод қилган хаттотлардан мулла Мирза Муҳаммад Охун ибн Один Муҳаммад Самарқандий, мулла Сайид Абдулваҳоб Самарқандий, Муҳаммад Нуриддин ибн Муҳаммад Олим Самарқандий, Муҳаммад Рофеъ ибн Шайх Муҳаммад Солиҳ Самарқандий, Муҳаммад Юсуф Самарқандий, Муҳаммад Ёқуб Самарқандийларнинг номини келтириш мумкин[3.40].

XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда биринчи марта босма китоб нашр этила бошланди. Бу гоят муҳим тарихий воқеа эди. Лекин, Ўрта Осиёнинг марказий шаҳарларида, хусусан, Самарқандда босмахоналарнинг ташкил